

# **Талабалар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари ва номли давлат стипендиялари тўғрисида маълумот**

Деярли барча талабаларнинг катта орзу ва мақсади бўлмиш имтиёзли давлат стипендиялари ҳар йили ўзининг янгидан янги эгаларини топиб бормоқда. Давлат стипендияси соҳибига айланиш талаба учун нафакат моддий рағбат, юксак ном ва эътироф ҳамдир. Хўщ, минглаб, борингки миллионлаб талабгорларни ўзига оҳанрабодек чорлайдиган президент стипендияси ва номли давлат стипендияларини қандай қўлга киритиш мумкин? Қуйида бунга батафсил тўхталиб ўтамиз.

## **КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?**

Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек ва Имом ал-Бухорий номидаги давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат бўйича ўқиётган охирги икки курс талабаларига тайинланади.

## **ТАЛАБГОРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Номли давлат стипендияларига талабгор талаба қўйидаги мезонларни бажариши талаб этилади:

- \* Фанларни аъло баҳога ўзлаштириши;
- \* Илмий (ижодий) ишларда иштирок этиб ўзини кўрсатиши;

\* Давлат тилидан ташқари яна битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилни билиш, бакалавриатдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиши; Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча равишда билиш талаб қилинади.

Тилларни билиш бўйича умумий талаблар даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан, олий таълим муассасаларининг тиллар бўйича ихтисослашмаган мутахассисликлар учун хорижий тилларга бўлган талаблари ҳажмида белгиланади.

Номли давлат стипендияларига талабгорлар ушбу тиллар бўйича ўз билимлари даражасини аниқлаш учун ўқиш жойидаги тил кафедраларида маҳсус сұхбатдан ўтадилар.

## **КЕРАКЛИ ХУЖЖАТЛАР**

Номли давлат стипендиясига талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қўйидагиларни тақдим қиласилар:

- \* синов дафтарчасидан кўчирма;
- \* деканат, кафедранинг тавсияномаси;
- \* илмий (ижодий) иш раҳбарининг фикр-мулоҳазаси;
- \* тиллар кафедрасининг сұхбат натижалари ҳақидаги маълумотномаси.

Барча ҳужжатлар жилдга тикилган ёки папкага жойланган ҳолда тақдим этилади. Муқовада номли давлат стипендиясининг номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гурухи кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги стипендиялар тайинлаш ҳақидаги тавсияномаларни йилига бир марта кўриб чиқади. Кўриб чиқиш муддати — 10-25 сентябр.

Стипендиялар 1 сентябрдан бошлаб, бир йил муддатга, белгиланган миқдорга қатъий мувофиқ ҳолда тайинланади. Стипендияларни янги муддатга қайтадан тайинлаш ҳам айнан шу тартибда амалга оширилади.

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга қўйидаги гувоҳномалар берилади:

- «Беруний давлат стипендиясининг соҳиби»;
- «Ибн Сино давлат стипендиясининг соҳиби»;

«Навоий давлат стипендиясининг соҳиби»;  
«Улугбек давлат стипендиясининг соҳиби»;  
«Ином ал-Бухорий стипендиясининг соҳиби».

Гувоҳномалар талабаларнинг ўқиш жойида тантанали вазиятда топширилади.

### **ИМТИЁЗЛАР**

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар бакалавриатни тугатганидан сўнг бир йил мобайнида, тегишли мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз, грант асосида қабул қилинадилар.

Номли давлат стипендияларига сазовор бўлган талабалар ўқишни тугатгандаридан сўнг бир йил мобайнида магистратурада ўқишни давом эттириш учун хорижга юборилаётган ёшлар гурухлари таркибига киритилишда устунликка эга бўлиш ҳукуқини сақлаб қоладилар.

### **ПРЕЗИДЕНТ СТИПЕНДИЯСИ – ТАЛАБАЛАР ОРЗУСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган давлат олий таълим муассасалари (бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида) талабаларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижаларига биноан тайинланади.

Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларини тайинлаш учун қўйидаги мезонларни бажариш белгиланади:

умумтаълим тайёргарлигини илмий-тадқиқот (ижодий ишлар) ишлари билан уйғунлаштириш;

йўналишлар бўйича конференция (танлов)ларда қатнашиш;

камиди иккита эълон қилинган ишлар (асарлар)нинг мавжудлиги;

тилларни — давлат тилини ва битта хорижий чет тилни билиш (юқоридаги тартибда);

Ўзбекистон тарихини билиш талаб этилади.

Тилларни, ахборот технологияларини, Ўзбекистон тарихини билиш бўйича талаб даражаларини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги белгилайди.

### **ТЕСТ СИНОВИ, ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига талабгорлар ушбу фанлар бўйича ўз билим даражасини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест марказида (минтақалар бўйича) маҳсус тест синовлари топшириладилар.

Талабгорлар дастлабки кўриб чиқиш учун илмий кенгашга қўйидагиларни топшириладилар:

синов дафтарчасидан кўчирма;

деканат, кафедра тавсияномаси;

илмий (ижодий) иш аннотацияси;

раҳбарнинг фикр-мулоҳазалари;

илмий (ижодий) ишга такриз;

илмий ишлар рўйхати ва уларнинг босма нусхалари.

Стипендиялар тайинланишидан аввал талабгорларнинг белгиланган мезонларга мувофиқ билим ва илмий (ижодий) тайёргарлик даражаси пухта экспертизадан ўтказилади.

### **МАГИСТРАТУРАГА ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларига сазовор бўлган талабаларга «Президент стипендиясининг соҳиби» гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати мажлисида тантанали равишда топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиблари бўлган талабалар давлат олий таълим муассасасини битиргач, икки йил давомида грант асосида магистратурага (бакалавр-стипендиатлар) ва аспирантурага (магистр-стипендиатлар) кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

## **ЎҚИШНИ ХОРИЖДА ДАВОМ ЭТТИРИШИ МУМКИН**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари соҳиби бўлган талабалар ўқиши битиргандан сўнг, икки йил мобайнида магистратурада (бакалавар-стипендиатлар) ва аспирантурада (магистр-стипендиатлар) ўқиши давом эттириш мақсадида хорижга жўнатилиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

### **СТИПЕНДИЯДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ**

Кундалик дарсларни ўзлаштирмайдиган, ўқув интизомини ва илмий одоб-ахлоқни бузган талабаларни ўқув йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияларидан маҳрум қилиш тасарруфида талаба ўқиётган олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идораларнинг тақдимиға биноан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳайъати қарори билан амалга оширилиши мумкин.